



## ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ ИНТЕРНЕТ ҚАРАМЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ТАЪЛИМ МАЪРИФАТИ

**Абдухоликова Насиба Алижановна**

Наманган мұхандислик-технология институти

“Ижтимоий фанлар” кафедраси асистенти.

+998 94 303-99-91;

E-mail: [Sotsial.nauki@gmail.com](mailto:Sotsial.nauki@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Замонавий ахборот технологиялари ачоли ҳаётининг барча соҳаларида ахборот қабул қилиш, узатиши ва сақлашнинг кулагилги билан тўла қамраб олиши одамлар турмушини ўзгартириб юборди. Шу боис мақолада ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжининг динамик ўсишидан Интернет тобеликдан ижтимоий тармоқларга қарамликни фалсафий таҳлилига бағишланган.

**Калим сўзлар:** Интернет -коммуникация, ижтимоий тармоқларга тобелик, рухий хасталик, тобеликни профилактика методологияси.

### АННОТАЦИЯ

Современная глобальная информационная технология тотальным охватом жизни населения с удобными возможностями в приеме и передачи информации, хранении коренным образом изменил жизнь людей. В этой связи в статья посвящена философского анализа динамичного роста в потребности к информации молодежи, что переходит от Интернет зависимости к зависимости социальным сетям.

**Ключевые слова:** Интернет-коммуникация, зависимость от социальных сетей, психическая патология, методология профилактики зависимости.

### ABSTRACT

The full coverage of modern information technologies in all spheres of life with the convenience of receiving, transmitting and storing information has changed people's lives. Therefore, the article is devoted to the philosophical analysis of the dynamic growth of young people's need for information from Internet dependence to dependence on social networks.

**Keywords:** Internet-communication, social network addiction, mental illness, addiction prevention methodology.

### КИРИШ

Ренессанс ислоҳотларининг энг мұхим хусусияти илм-фан, техника тараққиёти бекиёс ўсиши шароитида инсон феноменининг маънавий-маданий

ўсишида ахборот маърифатига эҳтиёжни жиддий орттиради. Билакс глобаллашув ва оммавий ахборот технологияларининг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олиши, айниқса бизнес ва таълим соҳасида ҳар қачонгидан долзарб муаммога айланади.

Фалсафий фикр тарихининг алоҳида даврлари “Ўйғониш ёки маърифатпарварлик” хусусиятлари ўзгача ахамият касб етади. Шу маънода Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йиллари ўз навбатида маърифатпарварлик билан боғланиши табиий-қонуний ҳолат – юксалиш, яни постиндустриал жамият арафасидир деб ҳисоблаймиз. Айни вақтда инсоният тарихида маърифатнинг даврлаштириш мумтоз, яни илк таълимни бошланиши, диний маърифат ва илмий маърифат мазмунига эгадир.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Дарҳақиқат, ибтидоий жамоа давридан бошлаб болаларни ҳаётга тайёрлаш, таълим бериш жамоанинг муҳим вазифаси бўлганки, овчилик ва деҳқончилик тарбияси илк классик маърифат бўлса, ўрта асрларда якка худолик асосида инсониятни ҳаёт маърифати белгилаб берилган. Биз Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний каби даҳоларнинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни “Шарқ маърифатпарварлик” даврида ахборот мутафаккирлари дея таърифлаймиз. Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва илмий фаолияти дин ва илмнинг уйғунлиги (дуализм), илмий маърифат дин ва илмни инсон манфаатларига хизмат қилишига эришув, дея ҳисоблаши ноёб илмий-ижтимоий ахборотдир. Шу ўринда Алишер Навоийдан тортиб Абдулхамид Чолпон, Абдулла Қодирийгача бўлган ўзбек адабиёти вакилларининг бадиий меросида аҳлоқий маърифат мужассамланган. Янги даврдан бошлаб илмий билимлар тизими шаклда таълимнинг барча босқичларида ёшларга дунёвий маърифатни эгаллашга йўл очган.

Маърифатпарварликнинг муҳим томони у жамият тараққиётида янги даврнинг бошланиши, ижтимоий муносабатларнинг янги модели, жамиятни янгиланиш ислоҳотлари ҳисобланади. Янги давр маърифатпарварларининг фаоллиги христианликнинг жамият истиқболига салбий таъсирини фош этиш, илм-фаннинг тантанасига эришиш йўли билан изоҳлаш мумкин. Гарбий Европанинг яна бир ўзига хос қирраси маърифатпарварликда теоцентризмдан антропоцентризмга ўтиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг муҳофазаси, инсонни олий қадрият сифатида эълон қилиш билан муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, АҚШда Т. Джефферсон, Дж. Вашингтон, Б. Франклин ўз олдига таълим тизимини тубдан яхшилашда янги дастурдаги бепул таълим

мактаблари, илм олишда фуқароларнинг тенглиги кабилар жамиятнинг юксалиш эҳтиёжларини нозик ва теран тушуниш эди. Фикримизни Дж. Вашингтон ҳар қандай давлатнинг фаровон турмушининг ишончли пойдевори аҳолининг юксак маърифатидир, деган фикрлари билан далиллаймиз<sup>1</sup>. Шундай бўлса-да, маърифатпарварликнинг ҳақиқий Ватани – Англияда демократик жамиятда ёшларнинг билим олиши учун фундаментал педагогик таълим тизимини яратиш борасида минглаб турли лойиҳалар ишлаб чиқилган. Жон Локк боланинг қалбини тоза “оқ қофоз”га ўхшатиб, унда гўзал ҳулқ-автор тарбиясининг заруриятини англаб етган файласуф эди. Шунинг учун боланинг хоҳиш-иродасини шакллантириш ахлоқий тарбияда асосий масала бўлишини уқтирган. Биз бу давр ахборотлашувида рационалистик қарашларда инсоннинг хурфиклиги гоясига эътибор ортган, деб ўйлаймиз. Чунки, Фарбнинг бу даври механика асри илм-фанининг тараққиётида билимли инсон феномени назарда тутилган<sup>2</sup>.

Биз юқорида келтирилган фактларга таянган ҳолда маърифат тушунчаси қайси даврда бўлмасин билимга таяниш, инсон томонидан ўзи учун фойдали олам сиру-асорини билиш, яъни ижтимоий ахборотнинг маданий ютуқларидан иборат, деб ҳисоблаймиз. Агар билиш ёки дунёқараш нуктаи назаридан оладиган бўлсак маърифат антик даврдан бошланган. Жамиятни модернизациялашви аҳолининг ахборот алмашуви даражаси билан белгиланиши хусусидаги тадқиқотларга таяниб, ахборот одамлар орасида диний ва дунёвий билимларни тарқалиши билан медиамаданият ҳосил бўлиши ижтимоий қонуният ҳисобланади. Шу маънода тадқиқотчи Ш. Рахимова ахборот маданияти деганда “мулоқот”, “коммуникация” маъносида қўллаши жамиятнинг модернизацияси тизимларининг бирлиги билан ўзгаришига эътибор қаратиши бир қатор баҳсларни туғдиради деб ўйлаймиз<sup>3</sup>. Биз медиа маърифат ҳақида фикр юритганда ахлоқийлик мозийга бориб тақалиши, инсон ўзини англаши, ўзаро мулоқотда муайян умуминсоний меъёрларга таяниши: муомала, кийиниш, катталарга хурмат эътибор кўрсатилиши билан *ижтимоий тажрибани* ахборот шаклида аждоддан авлодга ўтиши билан изоҳлаймиз. Маърифатли жамиятда омманинг юксак билимли, ижтимоий фаол, жамоавий ҳамжиҳатлик илия янгиликларни билиш ва ҳаётга қўллаш тушунилади. Бу ҳол жамиятда кенг омма орасида таълим ва тарбияни ташкили, мактаб ва маориф

<sup>1</sup> Джуринский А. Н. История педагогики: Учеб. пособие для педвузов «Владос». 1999. – С. 178.

<sup>2</sup> Педагогика / под ред. Л.П. Крившенко. – М.: Проспект, 2012. – С. 346.

<sup>3</sup> Рахимова Ш.Ахборотлашган жамиятнинг ижтимоий-маданий хусусиятлари // Ижтимоий фикр. Инсон хукуклари – 2017. –№. 2 (78). – Б. 131–135

тизими фаолиятини бошқариш, ёшларни тўлақонли мактаб таълимига қамраб олиш, уларни юксак савияда билим олишига эришув деб ҳисоблаймиз. Айни вақтда маърифатни амалга оширишда театр ва кино, кутубхона ва музейларнинг роли ҳам бекиёс эканлигини ёдда тутмоқ керак. Демак, жамият маърифатга энг қуий босқичда зарурият сезган бўлса, тараққиётнинг юқори даврида муаммоли вазиятдан чиқиш, таълим-тарбияга бир неча баробар эҳтиёжни ортишида зарурият сезади. Шу боис Шўролар тузумининг сиёсатида Маориф вазирлиги таълим тизимининг умумий асосларини ифодалаган. Чунки маърифатнинг муҳим кўрсаткичи инсон томонидан оламни билишда илмий услугбиятга эгалиги, ижтимоий алоқада ҳақиқат ва гўзалликка таяниш билан ижтимоий фалсафий информатив қадриятга айланади

Маърифатнинг ахлоқийлиги Шарқона турмушга хос бўлиб, жамоавийлик асосида жамият ўзининг ижтимоий ҳолат ва қиёфасини шакллантириб, унда индивидуалликдан кўра колективизм устунроқдир. Ғарбона маърифатнинг мазмун-моҳияти инсон ва фуқароларнинг хукуқ эркинлиги, ҳурфикрлилик маърифатида илмийлик устувор ғоя сифатида ўрнатилган. *Муаммо ўзбек ҳалқи ўзининг миллий аҳлоқий мақомини сақлаб қола оладими, жаҳон маърифатли цивилизациясидан ўз ўрнини топа оладими? деган саволга бориб тақалади.*

Миллий ахборот тарихи маърифатли шахс деганда мадрасада билим олган, ҳат саводли, диний ва дунёвий зиёли киши тушунилган бўлса, талаба ёшларнинг ахборот медиа маданияти замонавий компьютер саводхонлиги ва ахборот билан ишлашни талаб этади. Бу электрон қурилмаларнинг янги авлодида ахборот билан ишлаш, тармоқларга уланиш, мулоқот даражаси билан бирга аудиовизуал саводхонлик, яъни мулоқотда макон ва вақтга оид воқеликни таҳлил ва синтезлаш лаёқатидир. Чунки талаба қурилмадаги матн ва файл билан ишлашда унинг моҳиятини англаши шарт. Шу маънода биз БМТнинг ахборот саводхонлиги юзасидан қабул қилган тамойили, яъни “media literacy (медиасаводхонлиги) тушунчаси”да медиа воқеликни таҳлили, синтезлаш, медиа матндан фойдаланиш ва уни тушуниш, медиа маданият медиа таълим ҳақидаги таърифларга қўшиламиз<sup>4</sup>.

Шарқона таълим-тарбияда жамоавий рух Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И. А. Каримов “Биз ўз фарзандларимизни ўзимиз тарбиялаймиз” деган васиятига кўра, Ш. М. Мирзиёев, “Илмни қадрланг, илмга интилинг! Бир сония вақtingиз ҳам бекор ўтмасин! Ёшлик – умрнинг энг бебаҳо даври. Илм ва

<sup>4</sup> Журналистикада медиа ва ахборот саводхонлиги / Н. Муратова, Э.Гризл, Д. Мирзахмедова. – Т.: Baktria press, 2019. – Б. 16. (112 б.)

билим – ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг!”, дея маърифий мурожаат этди. Дарҳақиқат, бу чақириқ ёшларнинг замонавий илм-фан ва юқори технологияларни мукаммал эгаллашида 96 нафар эмас, балки 6 миллион ёшларнинг куч ва имконияти назарда тутилмоқда. Чунки, глобаллашув ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида рақобатнинг кучайиши, айниқса ахборот соҳасида юксак билимли кадрларни тайёрлаш вазифасини юклайди.

## **ХУЛОСА**

Ўзбекистоннинг таълим тизимида туб ислоҳотларни амалга ошириш Президент ва ижод мактабларида математика, химия, биология фанлари, айниқса “IT” технологияларини чуқур ўргатадиган таълим янада ривожлантирилмоқда. Кейинги уч йилда мамлакатимиз ёшлари нуфузли ҳалқаро танлов ва мусобақаларда беш ярим минг совринли ўринларни қўлга киритиб, нуфузли университетларнинг грантларини ютиб олиши барчамиз учун намунадир. Галдаги вазифа ёшларнинг янги билимдон авлодини тарбиялаш мақсади илмий салоҳиятини янада юксалтириш учун олий таълим муассасаларининг сони 127 тага етказилиб, 26 та хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари юртимизда очилди. Бу ҳол кейинги 5 йил ичида олий таълим квотасини 3 баробар ошириб, жорий йилда 182 мингтага етказиш имконини беради. Жумладан, Янги Ўзбекистон университетига 300 нафар илмга чанқоқ ёшлар қабул қилиниши ёш олимларнинг инновацион илмий тадқиқотларга етарлича мотивация ва рағбат тизимини ҳам ишлаб чиқилди.

## **REFERENCES**

1. Джуринский А. Н. История педагогики: Учеб. пособие для педвузов «Владос». 1999, – С. 178.
2. Педагогика / под ред. Л.П. Крившенко. – М.: Проспект, 2012. – С. 346.
3. Рахимова Ш.Ахборотлашган жамиятнинг ижтимоий-маданий хусусиятлари // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари – 2017. – №. 2 (78). – Б. 131–135
4. Журналистика медиа ва ахборот саводхонлиги / Н. Муратова, Э.Гризл, Д. Мирзахмедова. – Т.: Baktria press, 2019. – Б. 16. (112 б.)
5. Сулаймонов А. Ёш авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти // Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари. Конф.мат-лари. -Т.: Маънавият, 2013. -Б. 296–298

- 
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи “маънавий-маърифий ишларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5060 Қарори// <https://lex.uz/docs/5344692> (Мурожаат муддати 18.05.21)
  7. Хомерики Н.С., Малыгин В.Н., Смирнова Е.А., Антоненко А.А. Интернет-зависимое поведение. Клиника и диагностика / // Жури, неврологии и психиатрии им. С.С. Корсакова. -2011. -№ 8. -С. 86-92
  8. Янг К.С. Диагноз - интернет-зависимость // Мир интернет. -2000. -№2 - С.24-29.